

КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Алишер Абдимавланович АШУРОВ

Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
Турин политехника университети
Тошкент, Ўзбекистон

КОММУНИКАТИВНАЯ КОМПЕТЕНЦИЯ И ЕЁ ЗНАЧЕНИЕ

Алишер Абдимавланович АШУРОВ

Проректор по работе с молодёжью
Туринский политехнический университет
Ташкент, Узбекистан

COMMUNICATIVE COMPETENCE AND ITS MEANING

Alisher Abdimavlanovich Ashurov

Vice-Rector on Working with Youth
Turin Polytechnical University
Tashkent, Uzbekistan a.ashurov@polito.uz

UDC (УЎК, УДК): 372.881.111.1

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Ашуров А.А Коммуникатив компетенция тушунчаси ва унинг мазмун-моҳияти//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2020.— No 1(30). — С.76–83.

<https://doi.org/10.36078/1585076665>

Received: December 12, 2019

Accepted: February 17, 2020

Published: February 20, 2020

Copyright © 2020 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Мақолада хорижий тилларни ўқитиш бўйича илмий тадқиқотлар, компетенция, компетентлик тушунчалари, коммуникатив компетенциянинг мазмун-моҳияти, коммуникатив қобилиятнинг қоидалари ёритилди. Шу ўринда, ушбу мақоланинг мақсади коммуникатив компетенция ва компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти аниқлашдан иборат. Шунингдек, компетенциянинг таснифи ўз ифодасини топган. Компетенция сўзининг 16 хил маъноларини психологлар томонидан 7 хил баҳолаш шкаласидан фойдаланилгани келтирилган. Коммуникатив компетенция ва коммуникатив қобилият тушунчалари таҳлил этилди. Коммуникатив компетенция фаолияти ва йўналишининг таркибий қисмлари аниқланган. Бундан ташқари, чет тили бўйича касбий компетенциянинг таснифли компонентларини ўрганишда коммуникатив вазиятларни 4 гуруҳга ажратган ҳолда коммуникатив компетенциянинг таснифли компоненти, мулоқотга таъсир қилувчи омиллар, коммуникатив мазмун ва мулоқотга киришувчанлик масаласи ҳам келтирилган. Ҳамда, ушбу мақолада касбий компетенция негизда мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билиш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилган. Хулоса ўрнида, мақолада мулоқот қобилияти шахсий таълим, интеграл сифат мазмунида қаралиши кераклиги ифодаланган. Шу билан бирга, мулоқот жараёнининг структуравий таркибий қисмлари когнитив, мотивацион, ҳиссий ва хулқ-атвор хусусиятларини ҳисобга олиб, унинг амалга оширилиши шахс

коммуникатив фаолиятининг самарадорлигини, умумий мулоқот қобилиятини белгилайдиган омиллар ҳам ақс этди.

Калит сўзлар: компетенция; компетентлик; коммуникатив компетенция; мулоқот.

Abstract. This article covers scientific research on foreign language teaching, competence, concepts, the nature of communicative competence, and the rules of communication skills. In this context, the purpose of this article is to define the nature of communicative competence and competence. In addition, the competence classification has found its reflection. It is shown how psychologists employ seven types of evaluation scale using sixteen different meanings of competence. The concepts of communicative competence and communicative ability are analyzed. The activities, directions and the components of communicative competence are identified. In addition, a classification component of communicative competence, factors influencing the communication, communicative content and communicative competence are included in the study of the categorical components of professional competence in the process of foreign language acquisition. Also, this article illustrates the process of enriching the knowledge, by means of developing professional competence gaining knowledge based on the specialty direction, learning new information, understanding important social requirements, developing skills for finding, processing and applying new information. As a conclusion of the article, it is stated that communication skills should be considered in the context of personal education as an integrated quality. At the same time, taking into account the cognitive, motivational, emotional and behavioral features of the structural components of the communication process, its implementation reflects the factors that determine the effectiveness of the communicative activity of the individual and communication ability.

Keywords: competence; competency; communicative competence; communication.

Аннотация. В данной статье рассматриваются научные исследования в области преподавания иностранных языков, компетенции, концепций компетенций, характера коммуникативной компетенции и правил коммуникативных навыков. В этом контексте целью данной статьи является определение характера коммуникативной компетенции. Также нашла свое отражение классификация компетенций. Показано, как психологи используют 7 типов оценочной шкалы, используя 16 различных значений компетентности. Анализируются понятия коммуникативной компетентности и коммуникативных способностей. Определены виды деятельности, направления и компоненты коммуникативной компетенции. Кроме того, включены классифицирующий компонент коммуникативной компетенции, факторы, влияющие на процесс общения, коммуникативный контент и коммуникативная компетентность, включающие в себя изучение категориальных компонентов профессиональной компетентности в процессе освоения иностранного языка. Также данная статья иллюстрирует процесс обогащения знаний посредством развития профессиональной компетентности, получения знаний на основе направления специальности, изучения новой информации, понимания важных социальных требований, развития навыков поиска, обработки и применения новой информации. В заключение статьи указывается, что коммуникативные навыки следует рассматривать в контексте личностного образования как интегрированного качества. В то же время, принимая во внимание когнитивные, мотивационные, эмоциональные и поведенческие особенности структурных компонентов процесса общения, его реализация отражает факторы, определяющие эффективность коммуникативной активности личности и коммуникативные способности.

Ключевые слова: компетенция; компетентность; коммуникативная компетенция; коммуникация.

Кириш. Хорижий тилларни ўқитиш бўйича С. Ю. Годунова (тилни ривожлантириш), Л. К. Сальная (чет тили мулоқотига касбий йўналтириш), О. Н. Федорова (компетентлик ёндашувда инглиз тилига ўргатиш), Н. А. Газова (инглиз тили тилида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантириш), И. Р. Агасиева (махсус матнларни ахборотли ўқишга ўргатиш), В. В. Бондарева (нофилологик факультети талабаларида чет тили ёзма нутқига ўргатиш), Т. Н. Сухарева (инглиз тили материаллари асосида сўз ишлатишда коммуникатив стратегияларни шакллантириш), Е. П. Щосева (1-босқич талабаларида инглиз тилидан монологик нутқини шакллантириш), М. Х. Қораходжаева (нофилологик гуруҳ талабаларининг касбий нутқини феъл асосида шакллантириш методикаси), Н. В. Землянская (оғзаки нутқ даражаси), С. А. Гаджиева (оғзаки нутқнинг грамматик томонлари), Ж. В. Ильин (инглиз тилини ўрганиш жараёнида касбий ўз-ўзини англаш), А. В. Гаврилов (эшитиш даражаси)ларнинг тадқиқот ишлари мавжуд. Мазкур тадқиқотларда коммуникатив компетенция бўйича тадқиқот ишларини олиб борилган. Бунда коммуникатив компетенция ва компетентлик тушунчаларининг мазмун-моҳияти аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Компетенция — у ёки бу соҳа бўйича билимдонлик (12, 196). “Компетенция” (лот. *competo* — эришяпман, муносибман, лойикман) — 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ёки бу соҳадаги билимлар, тажриба (14, 704). Компетенция сўзининг 16 хил маъноларини психологлар томонидан 7 хил баҳолаш шкаласидан фойдаланишди (интернет-уюшма психологлар эксперт). Экспертлар томонидан қайд этилган тушунчалар куйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш масалаларини еча олиш қобилияти;
- аниқ вазиятларда билим ва кўникмаларни қўллаш олиш қобилияти;
- касбий стандарт тавсифига мослиги;
- ташкилот томонидан субъектнинг сифатли фаолиятини шакллантириш мақсадида ишчига қўйилган талаб;
- ишчининг хулқ-атвор меъёрлари ташкилотга мослиги;
- билим, кўникма ва малакалар (БКМ), қобилият, мотив, шахс, коммуникатив сифатлар ва бошқа тушунчаларнинг умумий йиғиндиси;
- сифатли ишга тайёргарлиги ва кўникмаси;
- лавозим вазифаларига масъуллиги ва ваколати;
- БКМ+касбий муҳим сифатлар;
- компетенциянинг турли жиҳатлари;
- касбий муҳим сифатлар ташкилотчилик контексти билан биргаликда;
- касбий тажрибани чуқур англаниши;
- шахсий хусусият, индивидуаллик;
- муваффақиятли фаолиятда инсон омили;
- самарали ишлаб чиқариш фаолияти мезонлари;
- ижодкорлик;
- аниқ ташкилотларда ишлаб чиқариш вазифалари.

Натижада, компетенция бу — билимлар, кўникмалар, малакалар, сабаб омиллари, шахсий сифатлар, мақсадли вазиятларнинг умумий уйғунлиги бўлиб, қайсиқим аниқ ташкилот, аниқ гуруҳ, аниқ иш жойида,

аниқ ишлаб чиқариш жамоаси ижрочиларининг самарали ечимларини таъминлаб беради (3, 87).

Компетентлик тушунчаси деганда, маълум бир соҳада талаба (масалан, бўлажак ўқитувчи) томонидан эгалланган компетенция, яъни маълум бир сифатларнинг тўлиқ шаклланган мажмуи тушунилади (2, 55). Компетентлилик тушунчаси (лотинчадан *competentia*, *competere* сўзидан олинган бўлиб — “биргаликда эришаман, қозонаман, мос келаман, тўғри келаман” деган маънони билдиради) луғатларда эса “нимадир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш”, “хабардор бўлмоқ, ҳуқуқли бўлмоқ” деган маънони билдиради. Амалда барча луғат тузувчилар “компетентлик” ва “компетенция” категорияларини чегаралаб қўяди. Компетентлик таърифи ўхшаш ва бир-бирини ўрнини эгаллайди (тўлдиради), шу билан бир вақтда компетенция сўзи учун ягона изоҳлаш йўқ, бу тушунча “ваколатлар йиғиндиси (ҳуқуқ ва мажбуриятлар) қандайдир орган ёки лавозимли шахснинг қонун, низомлар билан белгилаб қўйилган ушбу орган ёки бошқа ҳолатлар”, “ниманидир тўғрисида фикр юритишга йўл берадиган билимларга эга бўлиш (эгаллик қилиш)”, “кимдир яхши хабардор бўлган саволлар тўплами (соҳаси)” тушунилади (9, 209).

Компетентлик тушунчаси таълим соҳасига психологик изланишлар натижасида кириб келган. Шу сабабли компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, қутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгаллик”ни англатади. Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик негизида акс этувчи сифатларнинг моҳияти қуйидагича ёритилади:

1. Ижтимоий компетентлик — ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгаллик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш.
2. Махсус компетентлик — касбий-педагогик фаолиятни ташкил этишга тайёрланиш, касбий-педагогик вазифаларни оқилона ҳал қилиш, фаолияти натижаларини реал баҳолаш, БКМни изчил ривожлантириб бориш бўлиб, ушбу компетентлик негизида психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион ва коммуникатив компетентлик кўзга ташланади.
3. Шахсий компетентлик — изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш.
4. Технологик компетентлик — касбий-педагогик БКМни бойитадиган илғор технологияларни ўзлаштириш, замонавий восита, техника ва технологиялардан фойдалана олиш.
5. Экстремал компетентлик — фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгаллик (6, 123).

Чет тили бўйича касбий компетенциянинг таснифли компонентларини ўрганишда коммуникатив вазиятларни 4 гуруҳга

ажратган, яъни коммуникатив компетенциянинг таснифли компоненти, мулоқотга таъсир қилувчи омиллар, коммуникатив мазмун ва мулоқотга киришувчанликдир (10, 113).

Коммуникатив компетенция — мураккаб коммуникатив кўникма ва кўникмаларини эгаллик, янги ижтимоий тузилмалар етарли кўникмаларини шакллантириш, мулоқот маданий нормалар ва чекловлар билим, алоқа соҳасида божхона, урф-одатлари, этикет, одоб-ахлоқ, таълим, алоқа воситалари ориентация билим, миллий, синф менталитетига хос ва, бу касб доирасида ифодаланган.

Коммуникатив компетенция — бу мулоқот қобилиятлари, билим, кўникма ва кўникмалар, бизнес алоқалари соҳасида ҳиссий ва ижтимоий тажрибани ўз ичига олган шахснинг умумий коммуникатив хусусиятидир.

Мулоқот қобилияти қуйидагилардан иборат:

- мулоқот қилиш керак бўлган коммуникатив вазиятнинг ижтимоий-психологик прогнозини бериш;
- мулоқот жараёнини ижтимоий-психологик жиҳатдан дастурлаш, коммуникатив вазиятнинг ўзига хослигига асосланган;
- коммуникатив вазиятда алоқа жараёнларини ижтимоий-психологик бошқаришни амалга ошириш.

Коммуникатив қобилият умумий маданиятни ва унинг профессионал фаолиятида ўзига хос намоёнларини синтез қилувчи интеграл сифатдир. Коммуникатив компетенциянинг шартларидан бири, муайян қоидалар ва талабларни бажаришдир. Ушбу қоидаларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

1. Энг кенг тарқалган қоида — бу ўз-ўзидан тушунилмаган ёки тўлиқ тушунилмаган бўлса, фикр билдиришни бошлашнинг иложи бўлмаган қоидадир.
2. Тушуниш учун доимий тайёргарлик қоидаси. Кўпинча семантик ва шахсий тўсиқлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча хабарларни тўлиқ ва нотўғри тушунишга олиб келади.
3. Аниқлик қоидаси. Номаълум, ноаниқ сўзлардан қочиш керак ва бегона ёки юқори ихтисослашган атамалардан фойдаланмаслик лозим.
4. Оғзаки бўлмаган сигналларни назорат қилиш қоидаси. Фақат нутқингизни ва хабарнинг мазмунини назорат қилиш етарли эмас. Бундан ташқари, унинг ташқи эскорт — юз ифодалари, имо-ишоралари, интонацияси, позицияси билан боғлиқ бўлган қисмида унинг шаклини назорат қилиш керак.
5. Ўз ноҳақлиги қоидаси. Алоқа пайтида ҳар доим шахсий нуқтаи назар нотўғри бўлиши мумкинлигига рухсат бериш керак. Бу кўпинча жиддий хатолардан огоҳлантиради.
6. Жой ва вақт қоидаси. Ҳар қандай хабарнинг самарадорлиги ўз вақтида амалга ошириладиган энг муносиб вазиятни танлашда кескин ошади.
7. Очиқлик қоидаси. Янги очилган вазиятларнинг таъсири остида ўз нуқтаи назарини қайта кўриб чиқишга тайёр бўлишни, шунингдек, суҳбатдошнинг нуқтаи назарини қабул қилиш ва ҳисобга олиш қобилиятини англади.
8. Фаол ва конструктив тинглаш қоидаси самарали коммуникацияларнинг асосий шартларидан биридир.
9. Фикр-мулоҳаза қоидалари. Бу қоида, охир-оқибатда, коммуникатив жараённинг асосий мақсадига эришишни таъминлайди — ўзаро тушуниш (7, 1).

Коммуникатив компетенция асосини қуйидагилар ташкил қилади:

- мулоқотни ташкил қилиш — шахслараро мулоқот кўникмаси;

— мулоқотни, контактни сақлаш, тескари алоқани ўрнатиш;
мулоқот натижаларини анализ қилиш (5, 82).

Ҳ. Мустафаева ўз тадқиқотида инглиз тили грамматикасини ижтимоий-гуманитар факультетлар ўзбек гуруҳлари талабалари томонидан ўзлаштиришнинг лингводидактик тамойиллари, методик воситалари тўлиқ бир мажмуа сифатида тадқиқ этган (11, 8).

Т. Мадрахимов инглиз тили сўзлашув нутқининг структуравий, функционал-семантик ва прагматик хусусиятлари коммуникатив тилшунослик ҳамда қиёсий типологик нуктаи назардан таҳлилга оид муаммоларни ўрганди. Сўзлашув нутқининг услубий варианты сифатида тасвирлаш ва таҳлил қилиш билан чекланиб қолмасдан, унинг сифат характеристикасини белгилаб берувчи омиллар ҳам аниқланди этно-социолингвистик, когнитив-коммуникатив, паралингвистик, руҳий-физиологик, модаллик, индивидуал омиллар турли лисоний бирликлар мисолида ёритиб берилди (8, 8).

Психологик ва педагогик адабиётларда компетенциянинг турли таърифлари келтирилган:

Коммуникатив компетенция — бу ички ресурслар учун зарур бўлган тизим самарали коммуникатив курилиш шахслараро ўзаро муносабатларнинг муайян доирасидаги ҳаракатлар.

Коммуникатив компетенция — бу шахслараро тажрибани шакллантиришнинг даражаси, яъни таълим билан ўзаро мулоқот қилиш шахс талаб қиладиган бошқалар, ўз қобилиятлари ва ижтимоий мавқеи доирасида ушбу жамиятда муваффақиятли ишлаш учун.

Коммуникатив компетенция — бу муайян нарсаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилияти алоқа вазифалари турлари: мақсадларни аниқлаш алоқа, вазиятни баҳолаш, ҳисобга олиш ҳамкорнинг ниятлари ва алоқа усуллари (ҳамкорлар), етарли стратегияларни танлаш, алоқа муваффақиятини баҳолаш, ўз нутқ хатти-ҳаракатларини ўзгартиришга тайёр бўлиш (4, 19).

Нутқ фаолиятининг асосий тил материали ўз ичига фонетик, грамматик, лексик материалларни олади. Тил материалларнинг хусусиятини, уларни фаоллаштириладиган нутқ фаолиятининг турли хусусиятлари ҳисобга олиниб, улар махсус тамойиллар асосида танланади. Ҳар бир тил материаллари ўзининг танлаш тамойилларига эга. Ўқувчи ёки талаба инглиз тили материаллини ўрганаётганда ўзбек, рус тилларининг хусусиятлари унга таъсир қилади. Бунга аҳамият берилиши ва ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир тил материали ўзини ўргатиш хусусиятларига, метод, йўл, усулларига, танлаш тамойилларига, интерференциясига эгадир.

Коммуникатив компетенцияга эга бўлиш фаолият йўналиши унинг таркибий қисмларини аниқлаш имкониятини белгилайди:

- мотивацион ва қиймат компоненти;
- когнитив компонент;
- ҳиссий компонент;
- хулқ-атвор компоненти (4, 20).

Хулоса қилиб айтганда, мулоқот қобилияти шахсий таълим, интеграл сифат сифатида қаралиши керак структуравий таркибий қисмлари когнитив, мотивацион, ҳиссий ва хулқ-атвор бўлган шахслар унинг амалга оширилиши шахснинг коммуникатив фаолиятининг самарадорлигини, унинг умумий мулоқот қобилиятини белгилайди.

Использованная литература

1. Абдуллаева М.А. Коммуникативная методика обучения иноязычной грамматике на начальном этапе языкового факультета (на мат. Present

- continuous, Present perfect английского языка): Дис. ... пед.ф.н. — Худжанд, 2004. — 189 б.
2. Алиев И.Т. Педагогинг касбий компетентлиги // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. — Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. — 55 б.
3. Базаров Т.Ю., Ерофеев А.К., Шмелов А.Г. Коллективное определение понятия «компетенции»: попытка извлечения смысловых тенденций из размытого экспертного знания // Вестник Московского университета. — Москва, 2014. № 1. Серия 14. Психология. — С. 87–99.
4. Дондокова Р.П. Сущностная характеристика и структура коммуникативной компетентности // Вестник Бурятского Государственного университета. 1.1. 2012. — С. 19. Электронный ресурс: — URL: <file:///C:/Users/LinK/Downloads/suschnostnaya-harakteristika-i-struktura-kommunikativnoy-kompetentnosti.pdf>. Дата обращения: 29.09.2019.
5. Закинов Э. Ю. Коммуникативность как базис человеческого общения // Педагогические образование и наука. — № 6. — Москва, 2014. — 82 б.
6. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услугий мажмуа. — Тошкент, 2017. — 230 б.
7. Коммуникативная компетентность. Электронный ресурс: https://ru.wikipedia.org/wiki/Коммуникативная_компетентность. Дата обращения: 29.09.2019.
8. Мадрахимов Т. Инглиз тили сўзлашув нутқининг функционал-семантик хусусиятлари: Дис. фил.ф.н. — Тошкент, 2008. — 154 б.
9. Маннопов Ж., Холматова А. Касб таълими ўқитувчисининг мустақил педагогик фаолият юрита олиш компетентлигини шакллантириш // Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларни касбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари: Респ. илмий-амалий анжумани материаллари. — Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. — 209 б.
10. Марина О.А. Структурные компоненты иноязычной профессиональной компетенции как профессионального стратегического ресурса // Педагогические образование и наука. — № 5. — Москва, 2014. — 113 р.
11. Мустафаева Х. Инглиз тили грамматикасини ижтимоий-гуманитар факультетлар талабаларига ўргатишнинг лингводидактик хусусиятлари: Дис. пед.ф.н. — Самарқанд, 2003. — 139 б.
12. Педагогикадан атамалар лугати. — Тошкент: Фан, 2008. — 196 б.
13. Ширинова Н. Инглиз тили дарсларида академик лицей ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш: Дис. пед.ф.н. — Тошкент, 2006. — 142 б.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебуннисо-Конибил. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. — 704 б.

REFERENCE

1. Abdullaeva M.A. *Kommunikativnaya metodika obucheniya inoyazychnoi grammatike na nachal'nom etape yazykovogo fakul'teta* (The communicative method of teaching foreign grammar at the initial stage of the language faculty) (based on the material concerning Present continuous and Present perfect in English): candidate's thesis, Khudzhand, 2004, 189 p.
2. Aliev I.T., *Uzluksiz talim tizimida o'qituvchilarni kasbii-pedagogik kompetentligini rivojlantirish muammolari va istiqbollari*, Tashkent: Nizami, 2013, 55 p.

3. Bazarov T.Yu., Erofeev A.K., Shmelov A.G. Vestnik Moskovskogo universiteta, 2014, No. 1, pp. 87–99.
4. Dondokova R.P., Vestnik Buryatskogo Gosudarstvennogo universiteta (Bulletin of the Buryat State University), available at: : <file:///C:/Users/LinK/Downloads/suschnostnaya-harakteristika-i-struktura-kommunikativnoy-kompetentnosti.pdf>. (September 29, 2019)
5. Zakinov E.Yu., Pedagogicheskoe obrazovanie i nauka, 2014, No. 6, 82 p.
6. Innovatsion ta'lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik moduli bo'yicha o'quv-uslubiy majmua (Innovative educational technologies and pedagogical competence module), Tashkent 2017, 230 p.
7. Kommunikativnaya kompetentnost', available at: https://ru.wikipedia.org/wiki/Коммуникативная_компетентность. (September 29, 2019)
8. Madraxhimov T., Ingliz tili suzlashuv nutqining funktsional-semantik xususiyatlari (Functional-semantic features of English conversational speech): candidate's thesis, Toshkent, 2008, 154 p.
9. Mannopov Zh., Kholmatova A., Uzluksiz ta'lim tizimida y'kituvchilarni kasbii-pedagogik kompetentligini rivozhlantirish muammolari va istiqbollari: Resp. ilmiy-amalii anzhumani materiallari (Problems and prospects of development of vocational-pedagogical competence of teachers in the system of continuing education: Resp. materials of the scientific-practical conference), pp. 209–210
10. Marina O. A., Pedagogicheskoe obrazovanie i nauka, 2014, No. 5, p. 113
11. Mustafaeva H., Ingliz tili grammatikasini ijtimoiy-gumanitar fakul'tetlar talabalariga urgatishning lingvodidaktik xususiyatlari (Linguodidactic Peculiarities of Teaching English Grammar to Social and Humanities department students): candidate's thesis, Samarqand, 2003, 139 p.
12. Pedagogikadan atamalar lugati (Dictionary of Pedagogy terms), Tashkent: science, 2008, 196 p.
13. Shirinova N., Ingliz tili darslarida akademik litsei uquvchilarining bilish faolligini oshirish (Increasing cognitive activity for academic lyceum students in English lessons): candidate's thesis, Tashkent, 2006, 142 p.
14. Uzbekiston milliy entsiklopediyasi (The National Encyclopedia of Uzbekistan), Vol. 4, Zebunniso-Konigil, Tashkent, 2002, 704 p.